

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК: 336.5:657(575.1)*

**Хасанова Насиба Толлибой қизи**

**МОЛИЯВИЙ ИЖАРА ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО**  
**СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Мутахассислик: 5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва сохалар бўйича)**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**  
**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.д. доц. Абдусаломова Н.Б.**

**Тошкент- 2021**

Мазкур магистрлик диссертация ишида иктисодиётни янги  
ривожлантириш шароитида молиявий ижара ҳисобини халқаро стандарт  
асосида такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилини  
хориж тажрибалари чуқур ўрганилган ҳамда хориж тажрибаси асосида илм  
ишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар иш  
чиқилган.

In this master's dissertation the peculiarities of improving financial account  
in accordance with international standards in the context of further development  
the economy are studied, foreign experience is studied in depth and scient  
proposals and practical recommendations for improving scientific work based  
foreign experience are developed.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрас  
дастлабки ҳимоядан ўтган:


« 42 » - сонли баённома « 22 » июнь 2021 йил.

Илмий раҳбар: доц. Н.Б. Абдусаломова

  
ИМЗО

28.06.21  
сана

Магистр: Н.Т. Хасанова

  
ИМЗО

28.06.21  
сана

**“Ҳимояга тавсия этилади”**  
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси  
муdiri, доц. Абдусаломова Н.Б.

  
“ 28 ” июнь 2021 йил

Ҳимоя 2021 йил “ 28 ” июнь соат 12-00 да Тошкент давлат иктисоди  
университетида бўлиб ўтади.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ</b> <b>БОБ. ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ИЖАРА</b> <b>МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ</b> <b>ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	<b>8</b>
1.1. Ижара муносабатларининг Республика иқтисодиётида тутган ўрни ва уларни ривожланиш босқичлари.....	8
1.2. Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида ижара муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва уларнинг зарурияти.....	16
1.3. Ижара муносабатлари ҳисобини ташкил этишнинг концептуал асослари.....	30
I боб бўйича хулоса.....	39
<b>II “ТОШКЕНТВИНОКОМБИНАТИ” АЖДА МОЛИЯВИЙ</b> <b>БОБ. ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ</b> <b>ЭТИШИЛИШИ</b> .....	<b>40</b>
2.1. “Тошкентвинокомбинати” АЖда ижара муносабатларини дастлабки ҳисобини ташкил этишнинг амалий жихатлари.....	40
2.2. “Тошкентвинокомбинати” АЖда ижарага берилган ва олинган асосий воситаларни ҳисоби.....	49
2.3. “Тошкентвинокомбинати” АЖда молиявий ижарани ҳисоби ва унинг такомиллаштириш асослари.....	57
II боб бўйича хулоса .....	66
<b>III ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ</b> <b>БОБ. ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ИЖАРА ҲИСОБИНИ</b> <b>ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУНАЛИШЛАРИ</b> .....	<b>67</b>
3.1. Ўзбекистон Республикасида ижара муносабатлари ва унинг ҳисобини такомиллаштиришда халқаро стандартлар ҳамда хориж тажрибасидан фойдаланиш масалалари.....	67
3.2. “Тошкентвинокомбинати” АЖда ижара муносабатлари ва унинг ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари.....	74
III боб бўйича хулоса.....	82
<b>Хулоса ва таклифлар</b> .....	<b>83</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>88</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги ва асосланиши.** Иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларини асосан бухгалтерия тақдим этади. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисобларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи истеъмолчиларга тақдим қилишлари шарт.

Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектларда ижара муносабатларининг синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш, уларга сарфланаётган харажатларни харажат объектларига кўра объектив тақсимлаш ва дастлабки ҳужжатларда тўғри ҳисобга олиш ҳамда уларнинг тўғрилигини таъминлаш мақсадида аудиторлик текширувидан ўтказиш орқали келгуси даврлар учун аниқ қарорлар қабул қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш ва хизмат) ларга сарфланаётган харажатларини бевосита ижара муносабатлари бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш мазкур мавзу бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Шунинг учун магистрлик диссертациясида юқорида баён этилган мавжуд масалаларни тўлақонли ёритиш заруриятини белгилаб беради.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти бўлиб, “Тошкентвинокомбинати” акционерлик жамиятида ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи жумладан, молиявий ижара муносабатлари ва ҳисоби тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, “Тошкентвинокомбинати” акционерлик жамиятида молиявий ижара муносабатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш бўйича ҳуқуқий – меъёрий асослари, шунингдек, унинг услубларини амалдаги қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларга мослигини ўрганиш ҳисобланади.